Маҳсулотларимиз Миср кўргазмасида

Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида анъанавий «Саҳрои Кабир — 98» кўргазмаси давом этмоқда. Мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан «Саҳрои Кабир — 98» кўргазмасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари мутахассисларидан бир гуруҳи ҳам иштирок этмоқда. Уларнинг вазифаси харид бозорининг янги жиҳатларини тадқиқ этиш, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компаниясининг маҳсулотларини намойиш қилиш ҳамда Ўзбекистоннинг Миср ва бошқа араб мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришдан иборат.

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган кун муносабати билан ўзимнинг самимий эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, бизнинг тенг вазмин муносабатларимиз бундан буён ҳам ривожланиб бораверади ва мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик халқларимиз фаровонлигига самарали хизмат қилади.

Жаноби Олийлари, Миллий байрам муносабати билан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром билан,

Арпад ГЁНЦ,
Венгрия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мен Миллий байрамингиз муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий қутловларимни йўллашни ўзимга шараф деб ҳисоблайман.

Давлатларимизни бирлаштириб турган ҳамкорлик ва аҳиллик ришталари дўстлик ҳамда бутун инсоният фаровонлиги йўлидаги ўзаро интилишларимиз туфайли тобора мустаҳкамланмоқда.

Мексика халқи ва ҳукумати номидан Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига табрик изҳор этар эканман, Сиз Жаноби Олийларига камоли эҳтиромимни йўллайман.

Эрнесто Зедилио Понсе де ЛЕОН,
Мексика Президенти

Икки ой Нью-Йоркда

Жиззах қўғирчоқ театрининг бир гуруҳ санъаткорлари икки ой мобайнида Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк, Нью-Жерси, Флорида каби йирик шаҳарларида ижодий сафарда бўлди. Улар америкалик ёш санъат шинавандаларига ёзувчи Нодир Норматов асари асосида тайёрланган «Томоша» спектаклини намойиш этди.

Театр бош режиссёри Абдувоҳид Хўжаев томонидан саҳналаштирилган бу асар инглиз тилида ижро этилди.

Буюк алломалар юбилейига ҳозирлик

Шу кунларда мамлакатимизда, айниқса, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида буюк алломалар имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган тадбирларни юксак савияда ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Самарқанд вилоятининг Челак туманида имом ал-Бухорий ёдгорлиги мажмуаси қурилиши жадал бормоқда. Бу ердаги Ҳадис маркази биноси қуриб битказилмоқда. Фарғона шаҳрининг асосий тантаналар ўтказиладиган марказий майдонида, унга туташ боғда ободонлаштириш ва қурилиш ишлари, фавворалар бунёд этиш юмушлари жадал бормоқда. Бугунга келиб Аҳмад Фарғоний ҳайкали ўрнатишга тайёр қилиб қўйилди. Қува шаҳрида ҳам юбилей билан боғлиқ барча ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасида мазкур юбилейларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ташкилий қўмита аъзолари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди. Мажлисда имом ал-Бухорий фаолиятига бағишланган халқаро илмий конференцияга ҳамда юбилей куни ўқиладиган жума намозига тайёргарлик юзасидан Диний ишлар бўйича қўмита раиси Ш. Мирмаҳмудов ва Ўзбекистон Мусулмонлар диний идораси раиси, муфтий А. Баҳромовнинг ахборотлари тингланди. Аҳмад Фарғоний юбилей иншоотларида қурилиш ишларининг бориши тўғрисида Фарғона вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Отабоев, ал-Фарғоний илмий фаолиятига бағишланган халқаро конференцияга тайёргарлик ҳақида Фанлар академияси вице-президенти М. Комилов маълумот берди. Аҳмад Фарғоний юбилейи тантаналари байрам томошаси бош режиссёри Р. Ҳамидовнинг ахбороти тадбирнинг бадиий-техник тайёргарлиги қандай бораётгани, сценарий ва саҳналаштириш режалари тўғрисида бўлди. Мажлисда икки буюк ватандошимизнинг юбилей тантаналари мамлакатимиздагина эмас, бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётганлиги таъкидланди. Ҳозирдаёқ ўттиздан ортиқ мамлакатдан юзга яқин меҳмон ташриф буюриш истагини билдирди. Шу боис, «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» ҳамда «Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни» мавзуларидаги халқаро анжуманларга янада пухта тайёргарлик кўриш, ушбу алломалар ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган китоблар чоп этишни жадаллаштириш масалаларига эътибор қаратилди. Юбилей билан боғлиқ ташкилий масалаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан тегишли идора ва ташкилот раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Н. Жўраев, А. Мансуров, Бош вазир ўринбосарлари Л. Ахметов, Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 17 сентябрь, пайшанба • № 112 (23.349).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Исроил заминидаги самарали учрашувлар

Қ У Д Д У С, 15 сентябрь. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади). Бугун «Шоҳ Довуд» қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Музокараларда Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги, кимё, озиқ-овқат саноати, техник ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорлик борасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп экани таъкидланди.

Музокаралар якунига етгач, Президент Ислом Каримов билан Исроил Бош вазири Бенямин Нетаняҳу ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Унда томонларни қизиқтирган масалалар, хусусан, икки давлат ўртасидаги алоқалар, жумладан, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда икки давлат ҳукуматлари ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик, фойда ва капиталга солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги Конвенция ҳамда икки давлат ҳукуматлари ўртасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ҳамда бошқа бир неча ҳужжатлар имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг матбуот анжумани ўтказилди. Унда икки томонлама музокаралар муваффақиятли ўтгани қайд этилди. Президент Ислом Каримов ҳамда Бош вазир Бенямин Нетаняҳу журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов Фаластин Мухториятининг Рамаллоҳ шаҳрига келди. Бу ерда Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Сўнгра Ислом Каримов билан Фаластин Мухторияти раҳбари Ёсир Арафотнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Яқин Шарқдаги аҳвол, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот ниҳоясида Президент Ислом Каримов ва Фаластин Мухторияти раҳбари Ёсир Арафот бўлиб ўтган учрашув якуни бўйича қисқача баёнот бердилар.

Шу куни Ислом Каримов «Шоҳ Довуд» қароргоҳида Исроилдаги Меҳнат партияси етакчиларидан бири — Шимон Пересни қабул қилди. Умуман олганда, ташрифнинг иккинчи куни қизғин учрашувларга бой бўлди. Ислом Каримовнинг Исроилдаги ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашуви ҳам жуда сермазмун ўтди.

Оқшом мамлакатимиз раҳбари Исроилдаги Бухоро яҳудийлари жамияти вакиллари билан учрашди.

Президент Ислом Каримовнинг Исроилга давлат ташрифи давом этмоқда.

* * *


Қ У Д Д У С, 16 сентябрь. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади). Бугун мамлакатимиз раҳбари Эски Қуддусга ташриф буюрди. Бу ерда Ислом Каримов «Ал-Ақсо» масжидини зиёрат қилди ҳамда яҳудийларнинг муқаддас зиёратгоҳи — «Нола деворлари»ни бориб кўрди.

Шу куни Ислом Каримов Қуддусдаги «Зераим Гедера» қишлоқ хўжалик мажмуи, «Исроил авиация саноати» корпорациясида ҳам бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

Ислом Каримовнинг Исроилга уч кунлик сафари шу билан ниҳоясига етади. Айтиш мумкинки, мазкур сафар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтаради. Қуддусда бўлиб ўтган учрашувлар нафақат Ўзбекистон ва Исроил жамоатчилиги, балки бутун дунё давлатларида катта қизиқиш уйғотгани, шубҳасиз.

Бугун дунё ўзгараяпти, мезонлар ўзгараяпти. Тараққиёт калити сиёсий, диний, этник тарафкашлик эмас, балки курраи замин тинчлиги, мамлакатлар фаровонлигига хизмат қилувчи ўзаро тенглик асосига қурилган сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик, халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи маданий алоқаларни ривожлантириш йўлини тутганлар қўлида экани тобора яққолроқ намоён бўлаяпти. Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг Исроилга ташрифи икки давлат миқёсида ҳам, қолаверса, минтақавий ва халқаро доирада ҳам катта эътиборга муносибдир.

XXI аср ўзбек ёшлари



Абдувоҳид ТЎРАЕВ(ЎзА) олган сурат.

Қорақалпоқ олими – Америка академиги

Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали илмий ходими, химия фанлари доктори Алламберган Айтмамбетов Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Чимбой туманида, деҳқон оиласида туғилган А. Айтмамбетов кўп йиллардан буён кимё фани соҳасида самарали меҳнат қилиб келмоқда. У бу борада 80 дан кўпроқ илмий мақолалар, монографиялар ёзган. Фандаги янгиликлари учун ўн учта муаллифлик гувоҳномасини олган.

Қорақалпоқ олими Американинг нуфузли академияси ҳақиқий аъзоси этиб сайланганлиги мамлакатимиз илм-фани ютуқлари жаҳондаги ривожланган давлатларда тобора кўпроқ эътироф этилаётганлигининг яна бир мисолидир.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎзА мухбири

Куй-қўшиқлар қанотида

Шарқ оламини, миллатимиз маънавиятини куй-қўшиқсиз, шеър-мусиқасиз тасаввур этиб бўлмайди. Мусиқа азал-азалдан ота-боболаримиз — улуғ аждодларимизнинг юрагидаги орзу-армонлари, қувонч-ташвишлари ифодачиси бўлган. Шарқ маданиятининг камалаксимон — турфа ранглигини адабиёт қанчалик таъминлаб турса, бу борада шарқона оҳангларнинг ҳам аҳамияти оз эмас. Республикамиз мустақилликка эришгач, мусиқа санъатининг ривожи янги босқичга кўтарилди.

Шу йилнинг 22-27 сентябрь кунлари диёримизда биринчи марта халқаро симфоник мусиқа фестивали ўтказиладиган бўлди. Мазкур халқаро анжуманда жаҳоннинг 28 мамлакатидан 50 дан ортиқ санъат усталари иштирок этиши кутилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали сингари мазкур санъат анжумани ҳам республикамиз довруғини дунёга танитиш учун хизмат қилади.

Аслини олганда, симфоник мусиқа санъати замонавий ўзбек маданиятининг ажралмас қисми эканини жаҳон жамоатчилиги аллақачон тан олган. Сўнгги йилларда миллий мусиқамиз, жумладан ўзбек симфоник мусиқаси жаҳон миқёсида тобора кўпроқ шуҳрат топмоқда. Кўплаб ёш ижодкорларимиз хорижий давлатларда ўтказилган халқаро мусиқа анжуманларида муваффақиятли иштирок этиб, ўзбек санъати шуҳратини оламга ёймоқдалар. Наргиза Олимова, Алишер Султонов, Дониёр Холиқов, Фазлиддин Ҳусанов, Улуғбек Полвонов каби пианиночи ва скрипкачиларимиз Грузия, Италия, АҚШ, Польша, Испания сингари давлатларда ўтказилган халқаро танловларда юксак маҳорат намуналарини кўрсатдилар. Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри Туркияда ўтган нуфузли халқаро фестивалда қатнашиб, анжуманнинг энг олий совринига сазовор бўлди.

Мазкур фестивалда АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Франция, Япония каби симфоник мусиқа санъати юксак тараққий этган мамлакатларнинг вакиллари иштирок этиш истагини билдиришган.

Мустақил республикамизда санъатнинг ушбу соҳаси ҳам юксак ривожланган. Бу борада биз жаҳоннинг исталган давлати билан беллашишимиз мумкин. Хорижий санъаткорларни юртимизга таклиф этишдан мақсад — уларни мустақиллик йилларида эришган ижодий ютуқларимиз билан таништиришдир. Ўзбек миллий симфоник мактаби ютуқларини халқаро миқёсда тарғиб этиш анжуманнинг асосий мақсадини ташкил этади. Симфоник мусиқанинг жаҳон миқёсидаги янгидан-янги намуналари она-юртимизда янграр экан, бу диёримиз довруғини, миллатимиз шуҳратини янада юксалтириш учун хизмат қилади.

Содиқ СУЛТОН

Жиззах қурилишлари

истиқболга ишончни мустаҳкамлаб, тафаккури янгиламоқда

Яқин орада Жиззахда бўлдингизми? Чин бунёдкорлик туйғусини бу навқирон воҳада рўй бераётган ўзгаришларни кўриб юракюракдан ҳис этиш мумкин. Мустақиллигимизнинг саккизинчи йилига келиб нафақат ташқаридан қараган одам, ҳатто шу шаҳарда яшаётган фуқаро ҳам кенг қамровли қурилишлар туфайли Жиззахни танимай қоляпти, десак ишонаверинг.

Вилоят марказининг шарқий қисмида қаровсиз майдонлар, яйдоқ далалар бўларди. Ҳозир худди шу ерда бир ажойиб боғ бунёд этилмоқда. Истиқлол боғи. Бу атамани биров ўйлаб топган эмас, боғнинг ўзи билан бирга туғилди. Ҳар бир масканнинг эшиги бўлгани каби мазкур боғнинг афсонавий дарвозалари дам олувчиларни қарши олади. Пештоқлари баланд, таянчлари мустаҳкам дарвозалар. Гўё ушбу иншоот бу заминда бунёдкорлик абадий эканлигини ифодалаётгандай. Дарвозаларнинг икки тарафида шижоат рамзи сифатида шерлар савлат тўкиб туради. Беихтиёр ўзга оламга келиб қолгандай сезасиз ўзингизни. Ичкарига қадам қўйишингиз ҳамоно, руҳингизни антиқа ҳислар чулғайди. Буёғи энди эртак. Дастлаб сизни қуёш соати қарши олади. Тўғри юрсангиз пиллапоя шаклидаги супалардан кўтарилиб борарасиз. Кўз олдингизда эса анвойи фавворалардан отилган биллур томчилар қуёш нурида товланади. Энг юксак супага кўтарилганингиздан сўнг нарёгига қараб пастга энкаясиз, фавворалар силсиласи яна такрорланади. Боғнинг марказида йил давомида келадиган арслон, паризод, ўқотар, тоғ эчкиси, қовға, балиқ каби ўн икки бурж рамзи акс эттирилган. Чап томонда улкан чархпалак ўрнатилмоқда. Бу кўринишлар беихтиёр Тошкентдаги Мирзо Улуғбек хиёбонида барпо этилган манзараларни ёдингизга солади. Ҳамроҳларимиздан бири беихтиёр «Тошкент кўчиб келибдику!» деб юборди. Дарҳақиқат, бу ердаги маҳобатли кўл ҳам Ўзбекистон миллий боғи ва парламентимиз биноси оралиғидаги сув ҳавзасига жуда ўхшаб кетади.

Айни пайтда тўлалигича пойтахтдан нусха кўчириляпти, десак тўғри бўлмас. Боғнинг кунчиқар томонида каттагина анжирзор яратиляпти. Унинг ёнгинасида қўғирчоқ театри жойлашади. Бир томонда эртаклардан «келган» салобатли жонивор «қад ростлаган», бу ерда болалар расмга тушишлари мумкин. Боғнинг энг эътиборли томони шундаки, бу ерда табиат ва инсон ҳаёти беихтиёр бирлашиб кетган.

Албатта, Жиззахдаги қурилишлар майдони фақат бир боғ билан тугамайди. Шаҳар марказида барпо этилган «Ғўзаллик маскани» деб аталган бинога кирсангиз, яна ўзга олам туйғуларини сезасиз. Бу ерда маиший хизмат кўрсатишнинг деярли барча турлари йўлга қўйилган. Мижозлар ҳожати чиққанидан, хизмат кўрсатувчилар янги иш жойларида фаолият кўрсатаётганларидан мамнун. «Ғўзаллик маскани» яқинида Жиззахнинг ўз куранти вақт бизнинг ҳисобимизга, истиқлол туфайли янги ҳаёт қураётган бунёдкор халқ ҳисобига ишлаётганини ифодалаб тургандай. Ўнлаб гузарлар ободончилик рамзига айланмоқда. Кам таъминланган оилалар учун қурилаётган коттежлар вилоятда Оила йилида амалга оширилган энг эътиборли иш бўлган. Истеъдодли ўқувчилар мактаби қурилиши ҳам поёнига етказилмоқда. «Осиё бозори» ҳам ўз бағрига сотувчи ва харидорларни чорлаяпти.

Бугун Жиззахни томоша қилсангиз томоша қилгудек. Яқинда троллейбус қатновининг янги йўналиши ишга тушди. Озода, сариштa кўчалар кўнглингизга сурур бахш этади. Жозибали шаҳар жамоли ҳар бир жиззахликнинг қалбида ғурур туйғуларини жўш урдирмоқда.

Бундай залворли қурилишларнинг маънавиятимизга таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Давлат хазинасидан ажратилган маблағ ҳисобига эмас, халқнинг яратувчилик шижоати эвазига пайдо бўлаётган янги манзиллар истиқболга ишончни мустаҳкамлаш орқали кишилар тафаккурини ўзгартирмоқда.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Куласизми, куясизми?



... Камина салкам ярим аср яшаб қўйган. Крилл алифбосида «тиши» чиққанлардан. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини озми-кўп ҳижжалаб ўқишга эндигина ўргана бошладим. Худо умр берса, ўзимизнинг алифбомизда нафақат ўқиш, балки ёзишдек умидимиз йўқ эмас...

Ҳар қандай ёзув — алифбонинг тўғри ёки тескари ёзилганини англашга ақлим етади. Урганч шаҳрига кираверишда ўрнатилган ушбу кўрсаткич қайси алифбода ёзилганини сал саводи бор киши сезар. Аммо... нега оёғини осмондан қилиб ўрнатилганига кўпчилик ҳайрон қолди. Бу нима — ҳазилми? Ёки масъул идора ходимларининг саводсизлиги, ўз ишларига масъулият ҳис қилмасликларими?

Ҳар қалай, ушбу ғаройиб «шаҳар кўрсаткич» бир ойдан зиёд фурсат йўл чеккасида қаққайиб тургани факт. Шу даврда вилоят марказига ҳар куни неча марта ўтадиган турли даражадаги раҳбарлар бу «янгилик»дан бехабар қолдилар, деб ишониш қийин. Нима, бу кўпчиликнинг саводсизлигими?..

Сайдулло БОБО

Аччиқтош

Деновликлар газета ўқимайдими?

ёки «Умид»дан умидини узганлар

Яқинда Денов туманида жойлашган газета дўконларида «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи», «Қишлоқ ҳаёти» ва бошқа газеталарни сўрадим. Недирки топила қолса. Бу сотувчидан ҳам, бунисидан ҳам бир хил: «Биз бундай газеталарни умуман олмаймиз, истасангиз туман ва вилоятда чоп этиладиганларини харид қилишингиз мумкин» қабилида жавоб эшитдим. Ҳартугул, биринчи сон газета дўконида бундан бир неча кун олдин чоп этилган «Ўзбекистон овози»нинг ягона бир нусхаси бор экан.

— Нархи 25 сўм, — дейди сотувчи Ойсулув Султонова савол беришимизни олдиндан сезгандек. — Чунки, пойтахтда чоп этиладиган барча газеталарни биз 150 чақиримча узоқда жойлашган Термиз шаҳридан олиб келамиз. Нархи ҳам шунга яраша бўладида!

«Туркистон», «Оила ва жамият» , «Спорт», «Сирли олам» каби газеталарнинг мухлислари кўп. Лекин, биз ҳам нима қилайлик? Қийналиб бўлса-да, узоқ йўл босиб олиб келамиз. «Умид» деган корхонамиз бор. Афсуски, ундан умидимизни узганмиз. Шундай бўлгач...

... Бундан тўрт ой илгари туманда вилоят матбуот уюшмаси ҳиссадорлик жамияти қошида «Умид» кичик корхонаси ташкил этилган эди. Унга 18 та газета-журнал сотадиган дўконлар бириктирилган бўлиб, аҳолини мунтазам равишда кунлик ахборотлар билан таъминлаш мақсад қилиб қўйилган эди. Афсуски, орзу орзулигича қолиб кетди. Ушбу дўконлардан 2 таси умуман ишламайди. Қолганларида эса иш ўлда-жўлда. У ердан сиз сақич, тирноқ тозалагич, упа-элик ва яна алланарсаларни харид қилишингиз мумкину аммо газета тополмайсиз.

Ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шундай экан, 300 мингга яқин аҳолиси бўлган Деновда газета ўқишмайдими? Бунга вилоят матбуот уюшмаси ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари нима дейишаркин?

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Истиқлол ва ислоҳотлар

Олимлар, адиблар, журналистлар, партия фаоллари таркибидаги тарғибот гуруҳларини тузиб, уларнинг аҳоли ўртасидаги чиқишларини уюштириш Ўзбекистон ХДП ташкилотлари фаолиятида яхши анъанага айланиб қолди.

Яқинда Тошкент Давлат маданият институтининг кафедра мудири, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Малик Муродов, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Ориф Усмонов, ЎзР ФА Илмий-ўқув маркази фалсафа кафедрасининг доценти, фалсафа фанлари номзоди Султонмурод Мажидов, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Талъат Солиев ва Ўзбекистон ХДП МК Мафкуравий ишлар бўлими мудири Собир Курбоновдан иборат, партия Марказий Кенгаши ташкил этган гуруҳлардан бири Андижон ва Наманган вилоятларида бўлиб қайтди.

Қарийб бир ҳафта давомида гуруҳ аъзолари Андижон, Наманган, Хонобод, Чуст шаҳарлари, Жалолқудуқ, Пахтаобод, Шаҳрихон, Тўрақўрғон, Косонсой туманларида давлат ва бошқарув идоралари, корхона ва хўжаликлар раҳбарлари, ХДП ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар қўмиталари ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари фаоллари, аҳоли турли қатламлари вакиллари билан қизиқарли учрашувлар ўтказдилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг бориши ва уларнинг дастлабки натижалари, миллий маънавиятимизни шакллантириш муаммолари хусусида далиллар билан сўзладилар, шунингдек, Заҳириддин Бобур, Бобораҳим Машраб, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа азизу авлиёлар билан боғлиқ қадамжоларни зиёрат қилдилар.

Очиқ мулоқотларга айланган суҳбатларда кўтарилган мавзулар, билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг доираси кенглиги ҳамда тарғиботчи-ташвиқотчилар учун фойдали бўлишини инобатга олиб, қуйида уларнинг мухтасар баёнини эълон қилишни лозим топдик.

Асрларга татигулик йиллар

1991 йилнинг 31 августида республика Олий Кенгашининг тарихий сессиясида Ўзбекистон давлат мустақиллигига доир муҳим ҳужжатлар қабул қилинганида, ўша ҳаяжонли воқеаларни телеэкран орқали кўриб, хурсандчилигидан кўзига ёш олганлар ҳам, такаббурона кулимсираганлар ҳам, ҳаттоки, «Кечикмадингларми?», деб ўйлаб, 1924 йил октябрида Ўзбекистон ССР тузилганлиги эълон қилинганлигига ишора қилганлар ҳам бўлган эди. Лекин, 60-70 йил муқаддам катта дабдаба билан қилинган бу иш оми оммани алдаш, унинг Файзулла Хўжаевдек фидойиларини кишанбанд қилиш, жаҳон жамоатчилигини чалғитиш мақсадида большевойлар усталик билан ишлатган ҳийла эканлиги бугунги кунда сир эмас. Юртимиз чор Россияси даврида марказга қандай қарам бўлса, шўролар замонида ҳам унинг рухсатисиз мустақил бирон қадам қўя олмас эди. 1991 йилнинг августидагина жаҳон сиёсий харитасида чинакам суверен Ўзбекистон давлати пайдо бўлиб, у тез орада жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланди.

Ортда қолган етти йил ичида миллий давлатчилигимиз тажрибаси, ҳозирги ўтиш даврининг хусусиятлари ва жаҳон илғор амалиётига таянган мустақил Ўзбекистон давлатининг ҳуқуқий пойдевори, сиёсий тизими ҳамда барча тузилмалари вужудга келди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида биринчи бўлиб давлат ҳокимияти вакиллик идоралари ва суд ҳокимиятининг кучли ижроия ҳокимият (бошқарувининг президентлик шакли ҳамда маҳаллий ҳокимликлар) билан уйғун тизими яратилди. Миллий қуролли кучлар ва хавфсизлик органлари давлатимиз чегараларининг дахлсизлиги ва ҳудудининг бўлинмаслигини таъминладилар. Фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликларининг таъминланишини кафолатловчи замонавий ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолият кўрсатмоқда. Марказлашган бошқарув ва тақсимот тизими ўрнини халқ хўжалигини бошқаришнинг бозор иқтисодиётига мос тузилмалари эгаллади. Мамлакатимизда қурилаётган демократик жамиятнинг асосий устунлари — кўппартиявийлик ва эркин сайловлар тизимлари, уларга асосланган Олий Мажлис ҳамда жойларда халқ депутатлари Кенгашлари шаклланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш институтлари иш бошлади ва ҳоказолар. Хуллас, **Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги сиёсий жиҳатдан тўла таъминланди.**

Бироқ, тарихий тажриба сиёсий мустақиллик тегишли иқтисодий пойдеворга эга бўлсагина мустаҳкам бўлишини тақозо этади. Шўролар тузумидан мерос бўлиб қолган республикамиз иқтисодиёти эса, бир ёқлама ривожланган, хомашё етказиб беришга мўлжалланган, собиқ иттифоқнинг бошқа минтақалари билан хўжалик алоқалари бузилганлиги сабабли ночор аҳволга тушиб қолган эди. Мўл-кўл табиий бойликлари мавжуд ва кўплаб қимматли хомашё етиштириб турган мамлакатимизга саноат маҳсулотлари, ҳаттоки озиқ-овқатнинг талай қисми четдан келтирилар ва унинг воситасида Ўзбекистоннинг Марказга қарамлиги мустаҳкамланиб қўйилган эди. Катта миқдорларда қазиб олинаётган ер ости бойликларимиз — газ, олтин, мис, бошқа нодир металлар Москванинг буйруғи билан олиб кетилар эди. Пахтакор ўлкада етиштириладиган миллионлаб тонна пахта толаси у ёқда турсин, уни қайта ишлашдан чиқадиган қунжара ва шелуханинг ҳам хўжайини марказ эди!

Шундай аҳволда, мустақил Ўзбекистон раҳбарияти оқилона иш тутиб, ўта марказлашган бошқарув ва тақсимот тизимидан тамомила воз кечмай туриб, илғор мамлакатлар тажрибасида синалган бозор муносабатларига ўтмасдан иқтисодиётни равнақ топтириш, унинг жаҳон хўжалиги билан интеграциялашувига эришиш мумкин эмас, деган хулосага келди ва шунга яраша йўл тутди. Шахсан янги Ўзбекистоннинг Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида мустақил мамлакатимизга хос тараққиёт йўли, ўтиш даврининг беш тамойили назарий жиҳатдан асослаб берилди. Мустақил давлатларнинг аксариятида «карахт этиб даволаш», «ваучерлаштириш», «монетар сиёсат» ва шунга ўхшаш бошқа усуллар воситасида бозор муносабатларини жадал суръатлар билан жорий этишга уринишлар натижасида уларнинг иқтисодиёти боши берк кўчага кириб қолган бир пайтда, Ўзбекистонда бозор шарт-шароитларига, мамлакатимизнинг иқтисодий, нуфузий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, босқичма-босқич ўтилмоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг пухта ўйланган дастурлари амалга оширилганлиги натижасида дастлаб уй-жойлар, савдо ва маиший хизмат иншоотлари ва кичик корхоналар, сўнгра ўрта ва йирик корхоналар хусусийлаштирилди. Қишлоқда давлат хўжаликлари ва колхозлар ўрнини ширкатлар, уларнинг уюшмалари, агрофирмалар, деҳқон (фермер) хўжаликлари эгаллади. Ўтган йил бошларига келиб мамлакатимизда ташкил этилган хусусий ва кичик корхоналар сони 100.000 дан ошди, қарийб 20.000 та деҳқон (фермер) хўжалиги тузилди. Ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган барча корхоналарнинг 46,2 фоизи хусусий, 38,8 фоизи жамоавий ва 2 фоизи қўшма, фақат 12,1 фоизи давлат корхоналаридир. Иқтисодиётда банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг тўртдан салкам уч қисми нодавлат жабҳасида ишламоқда. Ушбу далилларнинг ўзи республикада бозор муносабатларига ўтиш жараёнларининг кўлами нақадар кенглигини кўрсатиш учун кифоядир. Мулк эгасига айланган кишиларнинг астойдил ва самарали меҳнат қилаётганликлари табиий.

Ҳукуматимиз тадбиркорлик ва ишбилармонликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш билан бир қаторда иқтисодиётимизда тузилмавий ўзгаришларга эришишга қаратилган инвестиция сиёсатини изчиллик билан юргизмоқда. Чунончи, ортда қолган йилда республикамизда 270 миллиард сўмдан ортиқ (олдинги йилга нисбатан 17 фоиз кўп, МДҲ мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 3 фоизга камайган!) сармоялар ўзлаштирилди. Унинг 63 фоиздан кўпроғи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, 30 фоизи замонавий техника ва технологияларни сотиб олишга йўналтирилди.

Шунингдек, мамлакатимизга киритилаётган хорижий сармоялар (1997 йилда 1,1 миллиард АҚШ долларига тенг чет эл инвестицияси ўзлаштирилди) ҳам асосан ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Ҳозирча иқтисодиётимизга ётқизилган шундай маблағларнинг умумий миқдори 8,1 миллиард долларга етди.

Тараққиёт йўлининг тўғри танланиши ва ислоҳотларнинг пишиқ-пухта дастурлар асосида амалга оширилиши ўз натижасини бермоқда. Иқтисодиётда ўпирилишга йўл қўймаган Ўзбекистон 1996 йилдаёқ бу соҳада барқарорлик йўлига кириб, ўтган йили ялпи ички маҳсулотнинг 5,2 фоизга ўсишига эришди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу ўсиш суръати 4 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида барқарор ўсиш кузатилмоқда. Жумладан, биринчи ярим йилликда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,5, истеъмол моллари — 6,5, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 7,4 фоизга кўпайди!

Ёқилғи-энергетика соҳасига берилаётган устувор эътибор, хусусан Кўкдумалоқ компрессор станцияси ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга тушиши натижасида йилига 4 миллион тонна нефтни четдан сотиб олиб келган **Ўзбекистон нефть маҳсулотлари масаласида ўз мустақиллигини таъминлади!** «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси эндиликда нефть маҳсулотларини экспорт ҳам қилмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати 3-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати ва «Зарафшон-Ньомонт» қўшма олтин саралаш заводининг ишга туширилиши билан Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини оширишга эришилган бўлса, Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг фойдаланишга топширилиши билан **Ўзбекистон жаҳондаги саноқли автомобилсоз мамлакатлар қаторидан жой олди!** Чет эллик шериклар иштирокида қурилган ўнлаб ип-йигирув ва тўқимачилик фабрикалари, Андижон, Қўқон ва Янгийўл спирт заводлари, қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётган Хоразм қанд заводи, Қизилқум фосфорит комбинати (унинг биринчи навбати шу йил ишга тушди), Кўнғирот сода заводи, Шўртан газ-кимё мажмуи ва бошқа кўплаб катта-ю, кичик корхоналарнинг маҳсулоти, ўз талабларимизни қондириши билан бир қаторда республикамизнинг экспорт имкониятларини янада кенгайтиради.

Ўзбекистон саноатни ривожлантириш ва унинг қувватларини ошириш билан бир вақтда янги йўлларни қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ишларини ҳам кенг миқёсларда олиб бораётган МДҲдаги ягона мамлакат, десак муболаға бўлмас. Республикамизда бир вақтнинг ўзида халқаро аҳамиятга молик Тошкент — Андижон — Ўш — Қашғар автомобиль йўли таъмирланиб (Камчиқ довонида қурилаётган туннеллар ҳам шунга киради), Навоий — Учқудуқ — Султонувайс — Нукус (узунлиги 342 км) ҳамда Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон (узунлиги 223 км) темир йўллари қурилишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда. Шу билан бирга, биз мамлакатимизни Шарқу Ғарб, Шимолу Жануб давлатлари билан боғловчи халқаро транспорт дастурларида ҳам фаол иштирок этмоқдамиз. МДҲ доирасидаги яна қайси мамлакатда шундай кенг кўламли қурилишларни кўриш мумкин?

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида рўй бераётган туб ўзгаришлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Қишлоқда мулк шаклларининг хилма-хиллиги қарор топиб, хусусий ва жамоа хўжаликларининг тармоқда асосий ўрин эгаллаши, пахта яккаҳокимлигига чек қўйилиши қишлоқ аҳолининг меҳнатга рағбатини оширмоқда, деҳқону чорвадорларни унумли ишлашга ундамоқда. Деҳқонларимизнинг ҳормай-толмай қилаётган меҳнати туфайли қисқа муддатларда **Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги ҳам амалиётга айланди!** Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган аграр сиёсатга доир туркум қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштиришни таъминлаши шубҳасиздир.


Мамлакатимиз раҳбариятининг туб ислоҳотлар сиёсати халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётганлиги, уни рўёбга чиқаришга юртимизда истиқомат қилувчи барча миллатлар вакилларининг аҳиллик билан ҳиссса қўшаётганининг асосий сабабларидан бири ушбу сиёсатнинг ижтимоий йўналтирилганлигидир. Юртбошимизнинг «Инсон ислоҳотлар учун эмас, балки ислоҳотлар инсон учун!» деган қоидасига аниқ йўналтирилган ижтимоий сиёсатига тўла амал қилинаётганлиги туфайли ўтиш даври қийинчиликлари юмшатилмоқда, аҳолининг кам таъминланган қисмига давлат томонидан муттасил моддий ёрдам кўрсатилмоқда, турли имтиёзлар берилган. 1997 йилда инсон манфаатларини таъминловчи ижтимоий-маданий тадбирларни ўтказишга давлат бюджетидан 123 миллиард сўм ажратилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали болали оилаларнинг 40 фоизига давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Давлат ҳисобидан биринчи синф ўқувчиларига 630 мингтадан зиёд ўқув-ёзув қуроллари тўпламлари ва кам таъминланган оилалардан бошланғич синфларда ўқиётган 373 минг нафардан кўпроқ ўқувчига қишки кийим-кечак берилди. Шу билан бирга умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқитувчиларининг иш ҳақларига қўшимча тўловлар белгиланди, болалар уйлари ва интернатлар тарбиячиларининг маошлари оширилди ва ҳоказолар.

Республика ҳукумати бюджет ташкилотлари ходимларининг маошлари, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида тўланиши ҳамда нарх-навонинг ошишига қараб индексация қилиниши таъминланмоқда. Масалан, шу йил 1 июлдан бошлаб иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 50 фоизга оширилди. Уй-жой қурилиши, қишлоқ хонадонларини та-

1 2 3 4

Мангуликка дахлдор мажмуа





Қадимий Самарқанд ўзининг тарихий меъморчилик обидалари, нодир ёдгорликлари билан жаҳонга маълуму машҳур. Самарқандликлар бу нодир ёдгорликларни авайлаб-асрашни ўзлари учун шараф деб биладилар. Айни пайтда шаҳар буюк бунёдкорлик ишлари марказига айланган.

Вилоятнинг Челак туманидаги Хартанг қишлоғида улуғ аллома Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига тайёргарлик қизғин. Шу муносабат билан буюк алломанинг ҳоки қўйилган масжид ва унинг атрофида катта қурилиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Бу улкан мажмуани барпо этишда нафақат республикамиз вилоятларидан, ҳатто хорижлик ҳунармандлар, қурувчилар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Шунингдек, республикамиздаги «Усто» ижодий бирлашмасининг ганчкорлари, кабзачилари, ғишт теручилари, наққошлари кишини лол қолдирадиган ишларни амалга оширмоқда.

Суратларда: 1. Орифжон Солиев ва Пўлатхон Жамолов. 2. Қурилишнинг кўринишлари. 3. Моҳир ганчкор Воҳиджон Омонов.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

Мактабга «Дамас» совға қилинди

«Пахтасаноатсотиш» Андижон вилоят ҳиссадорлик бирлашмасининг Ўқчи пахта тозалаш заводи янги ўқув йили арафасида Марҳамат туманида фойдаланишга топширилган 31-мактаб жамоасига «Дамас» автомашинаси ва саккизта компьютер, 610 минг сўмлик дарсликлар инъом қилди. Мактаб жамоаси ва ота-оналар ҳомий ташкилот саховатидан беҳад миннатдор бўлишмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Хатлар, хатлар, хатлар

Газетхон:

арз қилади

Қонун ҳимоячиси нима истайди?

Машина сотиб олганингда бир суюнсанг, уни қачондир сотганингда икки бора суюнасан, деган гап бежиз айтилмаган бўлса керак. Камина 1994 йил 7 апрелда Ғузор тумани ҳокимлигининг 34-ф сонли фармойиши билан «Рейсор» русумли машина сотиб олганимда ўзимда йўқ суюнганман. Ўшанда шартта сотиворибиккинчи марта суюнсам бўларкан...

Оз эмас, кўп эмас — ўша пайтда нақд 36 миллион сўм-купонга тушганди бу машина. Минг афсуски, қувончим узоққа чўзилмади. 1995 йил 29 декабрь куни Қашқадарё вилояти ички ишлар бўлими ходими Улаш Эргашев «текшириш» учун машинамни олиб қўйди. Кўп ўтмай антиқа томоша бошланди. Ўша мелиса оғайнимиз Улаш Эргашев ҳамкасби Суюн Холиқулов билан биргаликда мени қистовга ола бошладилар. Нима эмиш, мен «бу машина меники эмас» деган мазмунда тушунтириш хати ёзиб беришим керак эмиш... Нега, нима сабабдан деган саволларимга жавоб ўрнига дўқ-пўписа эшитаман.

Хуллас, ўшандан буён бошим ғалвада. Машина эса қайсидир «буюрганники» бўлиб турибди чоғи...

Ўзим қирқ беш йилдан буён чўпонлик касбини оқлаб юрибман. Саккиз нафар фарзандим ҳам машина минишдан бенасиб юришганига армондаман.

Қоржов НОРБЎТАЕВ,
Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани,
«Ғузор» давлат наслчилик хўжалиги чўпони.

танқид қилади

Сув бор, аммо келиши муаммо

Пахтаобод туманидаги Нодирабегим маҳалласида қуруқ челак кўтариб юришган аёлларни кўрсангиз ажабланманг. Бир пайтлари ажабтовургина келиб турган сувимиз не сабабдандир «қуриб» қолганига анча бўлди... Тўғри, бирор муаммо бўлса, маҳалладагилар қўл қовуштириб турадиганлардан эмас, албатта. «РСУ-81» деган ташкилотга сув етказиб берадиган «водаканал» тармоғигача қувур уладик. Таассуфки, унга ҳам «тўғон» бўладиган тўғаноқлар пайдо бўлишди.

Биргина бизнинг қувурга сув ўтказилиши учун уч-тўрт ташкилотга бош уриб боришимиз зарур экан. Бораверибқатнайвериббеҳудага тинкамадоримиз қуриёзди. Барибир, сувдан дарак бўлмади. Олдимиздан оққан сувнинг қадри бўлса-ю, ўзимизга насиб этмаса... бизнинг қадримиз қаерда қолди?

Маҳалла аҳли номидан
Тожимаҳамат ҲАСАНОВ,
меҳнат ногирони.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Саволларга ҳуқуқшунос С. Юсуфхонов жавоб беради.

Савол: Қандай ҳолатларда милиция ходимлари фуқароларнинг ҳужжатларини текшириши мумкин? Б. Авазов. Оқдарё тумани, Усмон Носир кўчаси. 8.

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 23.12.94 йилги «Паспорт тизими ҳақидаги» низомига асосан республикамизда яшаётган 16 ёшга тўлган ҳар бир фуқарода унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати, яъни паспорти бўлиши шарт. Фақат армия сафида хизмат қилаётганларга паспорт ўрнига ҳарбий гувоҳнома берилади.

Бундан ташқари фуқаролар доимий яшаш жойларида албатта рўйхатдан ўтишлари шарт. Вақтинча яшаш учун келганлар ҳам бу ҳолатни қонунда белгиланган тартибда туман ички ишларининг паспорт бўлимларида қайд қилишлари керак. Юқорида қайд қилинган Низом талабларини бажарилишини назорат қилиш ҳокимият ва ички ишлар бўлимларига юклатилган.

Шунинг учун айтиб ўтилган қонун талабларининг бузилиш ҳолларини олдини олиш мақсадида милиция ходимлари (участка нозирлари) уй-жой бошқармаси ҳамда маҳалла қўмитаси ходимлари билан биргаликда уйма-уй юриб фуқароларнинг ҳужжатларини текширишга ҳақлидирлар.

Текшириш вақтида аниқланган паспортсиз, қалбаки паспорт билан ёки рўйхатдан ўтмасдан туриб яшаётган шахслар тегишли тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Қонун бузилишига имконият яратиб берган уй эгасига, уй-жой бошқармаси ходимлари ва фуқароларнинг паспортсиз, қалбаки паспортлар билан ёки паспортсиз ишга қабул қилган ташкилот раҳбарлари ҳам «Паспорт тизими ҳақидаги» Низомининг 42 моддасига кўра жавобгарликка тортиладилар.

Шунингдек, ички ишлар органларининг қидирув бўлими ходимлари жамоат жойларида гумонли шахсларни ҳужжатларини текширишга ҳақли.

Савол: Қайси вақт ва ким томонидан ҳужжат (паспорт) олиб қўйилиши мумкин? А. Жиянов. Тошкент шаҳри, Қорақамиш 2/1.

Жавоб: Армия сафига хизматга чақирилган шахслардан хизматга чақирган туман ҳарбий комиссарияти томонидан, қамоққа олинган ёки суд ҳукмларига кўра озодликдан маҳрум бўлган шахсларга нисбатан, суриштирув, тергов ёки суд органлари томонидан, Қонунда кўрсатилмаган ҳолатларда фуқароларнинг ҳужжатларини олиб қўйиш ман этилади. Шунингдек, паспортини бошқа фуқароларга фойдаланиш учун бериш ёки қарз эвазига гаровга олиш ва бериш ҳам ман этилади.

Савол: Мени ноҳақ ишдан олиб ташлашди. Кимга мурожаат қилишни билмайман. Б. Алимов. Зарбдор тумани, Бўстон пасёлкаси.

Жавоб: Ишдан ноҳақ бўшатилган бўлсангиз, Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 269, 270 модда талабларига асосан сиз билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси сизга берилган ёки ишдан бўшатилганлигингиз ҳақида Сизга маълум бўлган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ўзингиз яшаб турган туман судига ишга тиклаш ҳақидаги даъво томонидан аризангизга кўра қайта тикланиши мумкин.

Даъво талабларингиз суд томонидан қониқтирилмаган тақдирда, Сиз Ўзбекистон Республикасининг 01.01.98 йилдан кучга кирган фуқаролик процессуал кодекси 320-моддасига асосан 20 кун мухлат ичида бу қарор устидан туман суди орқали Жиззах вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят келтиришингиз мумкин. Эски қонун талабларига кўра фақат 10 кун ичида шикоят келтириш мумкин эди.

Бундан ташқари, сиз меҳнат ҳуқуқларингизни тиклаш ҳақидаги ариза билан туманингиз прокурорига ёки касаба уюшмасига мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Савол: Фуқаролик ишлари бўйича қайси ҳолатларда ажрим, қайси ҳолатларда ҳал қилув қарори чиқарилади? Р. Алимова. Тошкент шаҳри.

Жавоб: Биринчи инстанция суди фуқаролик ишини мазмунан кўриб ҳал қилган тақдирда ҳал қилув қарори чиқарилади (ЎР ФПКнинг 203 м.)

Унда суд жараёнида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо берилиб, иш бўйича қандай ҳолатлар аниқланганлиги, даъво талаблари нимага асосан қаноатлантирилиши лозимлиги ёки лозим эмаслиги ва ишни ҳал қилишда қандай қонун қўлланиши кераклиги кўрсатилади.

Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарорлари эса ажрим шаклида чиқарилади (ЎР ФПК-нинг 237 м.) Бу қонунда белгиланган сабабларга кўра иш юритишни тўхтатиб туриш, аризани кўрмасдан қолдириш ва иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажримлардир.

«Ўзбекистон овози» мухбири Мурод АЛИМ тайёрлади.

«Тико» кимга насиб этаркин?

Бухоро вилояти ҳокимлиги бу йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида илғорларга махсус совринлар белгилади. Жумладан, мавсумда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 70 центнерга етказган бригада бошлиғи бепул «Тико» автомашинаси билан тақдирланади.

Эл хирмонига 403 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилган вилоят пахтакорлари терим суръатини кун сайин оширяптилар. Олот, Қоракўл, Вобкент, Қоровулбозор, Ғиждувон туманлари пахтакорлари ғайрат камарини боғлашмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ

Болалар шифокорлари кўпаяди

Орол бўйларида юз берган экологик муҳит одамлар айниқса, болалар саломатлигини муҳофаза қилишда ўзига хос муаммони юзага келтирди ва малакали болалар шифокорлари сафини кўпайтириш зарурати пайдо бўлди. Шу пайтгача Бердақ номли Қорақалпоқ давлат университетининг педиатрия факультетида шифокорлар тайёрланарди. Энди янги ўқув йилидан бошлаб бу факультет Тошкент педиатрия институтининг Нукус шўъбасига айланди. «Машғулотларни ўтказиш учун барча шароитлар муҳайё. Хоналар замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, — дейди профессор Ж. Мамутов. — Бу йил 80 нафар талабани давлат гранти, яна шунча талабани шартнома асосида ўқишга қабул қилдик».

Реймбой ЕШИМБЕТОВ

бий газ ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш давлат дастурлари қатъийлик билан бажарилмоқда. Фақат шу йилнинг 6 ойи мобайнида мамлакатимизда 183 мингта иш жойи ташкил этилди. 4 миллион квадрат метр уй-жой қурилди, 2,5 минг км. табиий газ ва 1000 км. дан ортиқ водопровод қувурлари ётқизилди. 1990 йилда Ўзбекистон қишлоқларини газлаштириш 17;6 фоизга тенг бўлиб, 26 та қишлоқ туманига ушбу ёнилғи умуман бормаган бўлса, ҳозирга келиб қишлоқларимизни газлаштириш даражаси 56 фоизга етди, 2000 йилга бориб эса 70 фоизгача кўтарилади.

ақидага учмасдан, мустақилликнинг дастлабки дамларидан бошлаб жамиятнинг маънавий янгиланиши лозимлигини теран идрок этиб, халқнинг маънавий руҳини ривожлантиришни давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифалари даражасига кўтарди. **Мана етти йилдирки, мамлакатимизда маънавий покланиш, маънавий янгиланиш жараёни тобора авж олмоқда.** Буни биз, аввалambor, халқимизнинг бой маънавий мероси тикланишида, унинг теран илдизларининг намоён этилишида кўрамиз.

Дарҳақиқат, маънавият осмондан тайёр ҳолда тушмайди ёхуд кутилмаганда ер қаъридан отилиб

мевалари

Хуллас, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсати оғишмай амалга оширилмоқда.

Ҳумо қушининг иккинчи қаноти

Янги Ўзбекистон давлатининг гербида тасвирланган ҳумо — бахт қуши, саодатли келажагимиз рамзи. Ҳумонинг юксакликка парвоз қилиши учун аввалambor, унинг қанотлари бақувват бўлмоғи лозим. Агар унинг қанотларидан бирини мамлакатимиз иқтисодиёти, деб тасаввур этсак, унинг иккинчиси маънавият эканлиги шубҳасиздир. Зеро, маънавият инсонга қўшдек, сувдек, ҳаводек зарур. Юртбошимиз таъкидлаганидек, **«Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди».**

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг самарали бўлишини таъминлаётган муҳим омиллардан бири шуки, республикамиз раҳбарияти олдин иқтисодиётни оёққа турғизиб, кейин маънавият масалалари билан шуғулланиш керак, деган

5

чиқмайди. У — халқ даҳоси ва тафаккурининг маҳсулидир. Уни бунёдкор, ижодкор халқ яратади ва ёзма ҳамда оғзаки асарлари, қадриятларида ифодалайди. Шундай экан, уларни чуқур ўрганиш, тарғиб ташвиқ қилиш, баркамол авлодни вояга етказишда фойдаланиш — бизнинг бурчимиз. Шу боис, республикамиз ҳукуматининг «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигини нишонлашга доир қарори таҳсин ва олқишларга лойиқ. Ўзбек халқи оғзаки ижодининг ушбу буюк намунасида ифода этилган олижаноб ғоялар — ватанпарварлик, дўст-биродарлик, вафо, орият, тўғрилик, ҳушёрлик, адолат, мардлик, аҳиллик, баҳодирлик, оилапарварлик ва бошқалар — замонамизга, халқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг ва ҳамдам.

Демакки, «Алпомиш»нинг гўзал нафосати ва ҳаётбахш ғоялари билан ватандошларимизни янада яқинроқ таништириш, унинг мазмун-моҳиятини кенг тараннум этиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, достонни мамлакатимиз халқлари тилларида кўп нусхаларда чоп этиш, ўқув юртлари ва меҳнат жамоалари, маҳалла-гузарларда алпомишхонликни йўлга қўйиш, саҳна, экран ҳамда мўйқалам асарларини яратиш, достончи бахшиларнинг кўриктанловларини ташкил этиш нафақат давлат идоралари, балки умумхалқ ишидир. Шу хайрли ишга камтарона улуш қўшиш мақсадида фольклоршунос олимларимиз томонидан «Алпомиш изидан» халқаро илмий экспедициянинг уюштирилиши айни муддао бўлди.

Бағоят бой маънавиятимиз сарчашмаларидан яна бири — исломий қадриятлардир. Муҳтарам Президентимиз ислом динининг халқимиз тарихи ва ҳаётида тутган ўрнига юқори баҳо бериб, исломий қадриятларимизни дунёвий қадриятлар билан уйғун равишда чуқур ва атрофлича ўрганишимиз, уларни халқимиз турли қатламлари, айниқса ёшлар орасида кенг тарғиб қилишимиз лозимлигини уқдирмоқдалар.

Диний арбоблардан бирининг айтишича, она-заминимизда етишиб чиққан диний-маънавий, тасаввуфий-фалсафий, маънавий-маданий қадриятларимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бобокалонларимиз шу қадар кўпки, уларни эъзозлаб, юбилейларини ўтказадиган бўлсак, йил (365 кун) ҳам етмас экан! Шулар сирасига кирувчи Арслонбоб, яқинда таваллудининг 1225 йиллиги халқаро миқёсда нишонланадиган муҳаддислар султони Имом ал-Бухорий, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Махдуми Аъзам Косоний (Даҳбедий) ва бошқа ўнлаб, юзлаб бузургворлар Туркистон халқлари қалбларидан чуқур жой эгаллаган.

Бу улуғларимизнинг ажойиб мерослари шу билан қимматлики, уларнинг таълимоти ва фаолиятида дунёвийлик ва илоҳийлик ҳамиша баробар олиб борилган. Чунончи, «Хожагон» тариқатининг асосчиси А. Ғиждувонийнинг «Халқ елкасидаги оғирликни кўтармоқ керак, агар бу муяссар бўлмаса, ҳалол касб-ҳунар эгаллаб, «даст ба кору дил ба ёр» ҳолатида бўлмоқ ёки «Дари хилват банду дари суҳбатро кушой, дари шайхийро банду дари ёрийро кушой» (хилват эшигини ёпиб, суҳбат эшигини оч, шайхлик эшигини ёпиб, ёрлик-дўстлик эшигини оч!) каби ўгитлари ислом оламида машҳур ва манзур.

«Она-Ватан йўлида, Ватанни ҳимоя қилаётиб шаҳодат жомини жўш айлаш Оллоҳ висолига етишмоқ ила баробардур!», деб ўзи мана шу ақидага амал қилган (1221 йилда Урганч қалъасини босқинчилардан қўлига қурол олиб ҳимоя қилаётиб, мардона шаҳид бўлган) улуғ бобокалонимиз шайх Н. Кубронинг ҳаёт йўли биз учун ибратдир.

Шўролар замонида ижоди тараққиётга зид саналиб, қораланган даҳолардан бири султонул орифийн (орифлар султони), Туркистон халқларининг қиблаи доуси, деб донг таратган Аҳмад Яссавийдир. Унинг пурҳикмат асарлари ва ибратомуз ҳаёти кишиларни поклик, ҳалоллик, адлу инсоф, иймондорлик, саховат ва олийҳиммат-ликка даъват этиши билан қадрлидир.

Миллий мустақиллик туфайли халқимиз буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросидан бахраманд бўлди.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг ҳозирги босқичида миллий маф-кура масаласи алоҳида аҳамият касб этади. **«Мафкурасиз одам, жамият, давлат, — дейди И. А. Каримов, — ўз йўлини йўқотади».** Президентимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан суҳбатига («Тафаккур» журнали, 1998 й. 2-сон) **«Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин»,** деб сарлавҳа қўйилгани бежиз эмас. Шўро мафкурасининг ҳар қандай унсурларидан тамомила озод бўлган миллий истиқлол мафкураси чиндан ҳам жамиятнинг барча ижтимоий-сиёсий кучлари саъй-ҳаракатларини ягона, умуммиллий манфаат, яъни келажаги буюк демократик, ҳуқуқий Ўзбекистон давлатини, фуқаролик жамиятини бунёд этиш учун бирлаштирувчи байроқ сифатида хизмат қилмоғи даркор. Албатта, демократик жамиятда турлича фикрлар, ҳар хил дунёқарашларнинг бўлиши табиий. Бироқ, умуммиллий ғоя барча ижтимоий-сиёсий кучларни бирлаштирган тақдирдагина Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишдек тарихий вазифани бажариш мумкин.

Тафаккур саёзлиги ва ғоявий пароканда-лик жамиятга зиён келтиради. Мустақиллигимиз душманлари, ютуқларимизни кўра олмайдиган ғанимлар бизга ўзларининг ғаразли қарашлари, заҳарли ғояларини тиқиштириб, кишиларни йўлдан уришга, жамиятимизни ислоҳотлар йўлидан оғдиришга уринадилар. Дин ниқоби остида Наманганда ҳаракат қилган экстремистларнинг асл мақсадлари эндиликда ҳаммага аён. Шу жиҳатдан олганда, давлатимиз раҳбарининг «Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир» деган сўзларини огоҳлантириш, деб тушуниб, мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз талаб этилади.

Хўш, сиёсий рақибларнинг мафкуравий хуружларига қарши қандай қурол билан курашмоқ лозим? Юртбошимиз бу саволга «Куч — билим ва тафаккурда» деган пурҳикмат сўзлар билан жавоб берар экан, бизни аввалги фикр қарамлигидан, тафаккур қуллигидан тезроқ қутилишга, Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросини билимли, маданиятли, эътиқодли, мустақил фикр қилувчи бўлишга даъват этади.

Республикамизда таълим тизимининг чуқур ислоҳ қилинаётганлиги, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилаётганлиги, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир қатор давлат тадбирларининг жорий қилиниши, Ватан тарихини пухта ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб қилиш масаласига Президентимиз томонидан берилаётган катта эътибор, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар ва бошқа кўпгина мисоллар мамлакатимизда миллий истиқлол мафкураси соҳасида бирмунча ишлар қилинаётганлигидан далолат беради.

Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш жараёни — узоқ муддатли ва мураккаб вазифа. Унинг уддасидан чиқиш учун давлат, жамоатчилик, фуқароларнинг баб-баравар ва уйғун ҳаракат қилишлари талаб этилади. Фақат шу аснодагина инсонни камол топтириш мумкин.

Эътироф

Амир Темур ва Улуғбекни, Мирзо Бобур ва Алишер Навоийни тан олган дунё мустақиллик туфайли уларнинг Ватанини ҳам тан олмоқда. **Мамлакатимизнинг мустақил давлат сифатида яшай бошлаганлиги, унинг ташқи сиёсати, халқаро муносабатлар, дунё ишларида фаол иштирок этаётганлиги эркинликка эришганимизнинг энг тотли меваларидандир.**

Етти йил тарих учун бир қатра, бир он саналади. Лекин, шу муддат мобайнида эркин сиёсат ва иқтисодий ривожланиш йўлидан бораётган юртимиз афсонавий ютуқларни қўлга киритди. Дунё сиёсий харитасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, бошқа қатор таъсир ва нуфузга эга бўлган халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48- ва 50-сессияларида илгари сурган ташаббус ва таклифлари жаҳон жамоатчилиги томонидан сайёрамиз тинчлиги, инсоният хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатлар ва халқлар ўртасида

7

Миллат ва маънавият

ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида қайғуриш, деб юқори баҳоланди.

Мустақил Ўзбекистоннинг миллий манфаатларимизга мос ташқи сиёсати дастлабки кунлардан бошлаб, давлатимизнинг хавфсизлигини, туб ислоҳотлар дастурларини амалга оширишни халқаро жиҳатдан таъминлашга, мамлакатимизнинг жаҳон бўйлаб бўлган обрўйи ва таъсирини оширишга қаратилган. 130 дан ортиқ чет эл мамлакатларининг Ўзбекистоннинг мустақиллигини эътироф этиши, Тошкентда ажнабий давлатларнинг, ўзга пойтахтларда республикамиз элчихоналарининг фаолият кўрсатаётганлиги бунга мисолдир.

Республикамизнинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасидаги ҳамда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамжамиятидаги жўшқин фаолияти ҳам кўпчиликка маълум.

Шу билан бир қаторда, ташқи иқтисодий алоқаларимиз тобора кенгаймоқда. Бундай фаолият мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашга, иқтисодий парвозимизга хизмат қилаётир. Республикамиз иқтисодиётига четдан киритилаётган сармояларнинг йилдан-йилга кўпаяётганлиги кенг жамоатчиликка маълум. Юртимизда минглаб қўшма корхоналарнинг хорижий сармоялар ёрдамида вужудга келганлиги ва уларнинг экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётганлиги мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига кира бошлаганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар таклифлари ва ташаббуслари билан ҳам машҳур бўлмоқда. Тошкент йирик халқаро анжуманлар марказига айланиб қолди. Президентимизнинг минтақавий хавфсизликни қарор топтириш орқали дунё хавфсизлигини таъминлаш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш, Афғонистонда тинчлик қарор топиши учун унинг ички ишларига аралашишни тўхтатиш, четдан қуролярог келтирилишини ман қилиш ва бошқа таклифлари бутун олам бўйлаб кенг мақтулланди. Юртбошимиз яқинда Термизда бўлиб, Сурхондарё вилоятида ислоҳотларнинг бориши билан танишиш жараёнида, мамлакатимизнинг жанубий чегараларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор бериши билан бирга, Афғонистондаги кейинги воқеалар хусусида тўхталиб, урушда қатнашаётган барча томонларни қон тўкилишини тўхтатиб, уларни муроса-ю мадора йўлига киришга, мамлакатдаги барча сиёсий, диний, миллий кучларнинг манфаатларини ҳисобга олишга даъват этди.

Мустақил Ватанимиз жаҳонга юз тутмоқда. Дунё ҳам Ўзбекистон билан чин дилдан яқинлашмоқда. Давлатимиз раҳбари Хитой Халқ Республикасига қилган илк расмий сафари чоғида мезбон мамлакат раҳбари: мана энди мустақиллик туфайли биз Ўзбекистон билан бевосита, учинчи томонсиз алоқаларни тиклаш ва кенгайтиришга эришдик, деб айтган эди. Ҳиндистоннинг таниқли дипломатларидан бири эса дил орзусини изҳор этиб, ўша шўро замонларидаёқ, агар Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритса, олти ойга бўлса ҳам мен Ватанимнинг шу диёрдаги элчиси бўлиб келардим, деган эди.

Ёш Ўзбекистон давлатининг жаҳон сиёсати майдонига шиддат билан кириб келиши, унинг Машриқу Мағриб мамлакатлари, халқаро ташкилотлар томонидан кенг эътироф этилиши миллий мустақиллигимиз қуёшининг нурлари тараладиган туфайли рўёбга чиқди.

Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига бағишланган тантаналарда йўлбошчимиз таъкидлаганидек **етти йил давомида амалга оширилган ишларимиз бамисоли етмиш йилга тенглашиб, мамлакатимиз қиёфасини, юртимиз жамолини бутунлай ўзгартириб юборди.**

Хулоса қилиб айтсак, туб ислоҳотлар йўлидан шаҳдам одимлаётган мустақил Ўзбекистон буюк келажак сари куч-қувватга тўлиб бормоқда!

8

«Иттифоқчи»нинг иштаҳаси

Халқимизда «Дўст оғир кунда билинади» деган мақол бор. Яхши кунда, байрамларда қўлда қадаҳ билан дўстлик ҳақида ичилган қасамларга ҳар доим ҳам ишониб бўлмаслигини Россия атрофида бўлаётган воқеалар мисолида кўриб турибмиз. Россиядаги сиёсий, иқтисодий таназзул фақат нарх-навони эмас, айрим сиёсатчиларни ҳам ўзгартириб юборган кўринади. Куни кеча «Россия билан абадий биргамиз», «Биз ягона иттифоқ давлатмиз» деб кўксига урган «Белорусь Президенти Александр Лукашенко «иттифоқчиси»нинг оғир кунида унга ҳамдард бўлиш ўрнига турли баҳоналар билан узоқлашишга ҳаракат қилмоқда», деб ёзади Россия матбуоти.

Жумладан, Қозоғистон пойтахтида ўтиши мўлжалланган Россия, Белорусь, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон ўртасидаги «божхона иттифоқи» йиғилишига иштирок этишдан биринчи бўлиб А. Лукашенко бош тортди, деб хабар беради «Интерфакс» мухбири. «Бугунги кунда беш давлат ўртасида ягона иқтисодий макон яратиш ва оддий одамлар томон 10 ва 20 қадам ташлаш ташаббуслари амалга ошмаганлиги ва шу боис бешта давлат раҳбарлари йиғилиб аниқ қарорларга келишига кафолат йўқлиги» туфайли мен бундай йиғинда иштирок этмайман, деб баёнот берди А. Лукашенко. Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, Белорусь Президентининг ўз ўгиришига бошқа нарса - айнан Россиядаги вазият сабаб бўлган. Синчилар ҳозирги вазиятда Россия Президенти билан «ёнма-ён бир столда ўтиришни А. Лукашенко ўзига маъқул кўрмади», деб ҳисоблашмоқда. Иккинчидан, шундай мураккаб вазиятда Россияга ҳамдард бўлиш коммунистларнинг ғоявий сафдоши бўлган Лукашенкога сиёсий жиҳатдан ҳеч қандай фойдаси йўқ. Матбуотнинг ёзишича, ҳозир Б. Ельцин дўстларнинг мадади ва ҳамдардлигига жуда муҳтож. Ҳатто океан ортидан АҚШ Президенти келиб озиқ-ўпми далда бериб кетди, энг яқин «дўст ва иттифоқчи» эса бутунлай тўнини тескари кийиб олди, деган фикрда жон бор.

Шу ўринда Россия ва Белорусь ўртасида «иттифоқ» шартномаси имзоланиш маросими беихтиёр эсга тушади. Ўшанда Лукашенконинг ҳаяжонидан баъзи бир кўнгли бўш сиёсатчилар кўзларига ёш ҳам олишганди. Россия билан мангу дўстлик ҳақида қасам ичиб, Ельцин ҳақида баландпарвоз мақтовлар айтиб ва охирида қадаҳни зарб билан ерга уриб синдириб, ўзини Ельцин қучоғига отган ҳам Лукашенко жаноблари эди. Бу воқеалар куни кечагина содир бўлганди. Орадан ҳали ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Наҳотки одам дўкондаги нарх-навога ўхшаб шунчалик тез ўзгариб кетса?

Бутун диққат эътибори мамлакатда авж олиб бораётган таназзулни бартараф этиш ва янги ҳукуматни шакллантириш билан банд бўлган Б. Ельцинга Белорусь Президенти кутилмаганда: Россия ва Белорусь иттифоқи парламентининг навбатдан ташқари мажлисини ўтказишни таклиф қилди. Бу йиғинга А. Лукашенко «Иттифоқнинг ягона фуқаролиги» тўғрисидаги қонун лойиҳасини тақдим этмоқчи. «Известия» газетасининг ёзишича, бу ҳаракатларнинг барчаси: А. Лукашенко Рос-

Сиёсий иқлим

сиядаги ҳозирги мураккаб вазият ва Б. Ельциннинг анча бўшашиб қолган мавқеидан фойдаланиб, Россиянинг «ҳуқуқий майдонига» кириб олишга қаратилганга ўхшайди. Кейин эса... бир томони сайловлар ҳам яқинлашиб қолди. Ушбу газетанинг таъкидлашича А. Лукашенко бу ҳақда кўпдан буён орзу қилмоқда. Фақат ҳозир энг яширин ниятларини амалга ошириш учун вазият етилган кўринади. Шу ўринда «Қассобга мой қайгуси,...» деб бошланувчи мақол эсга тушиб кетади.

Албатта, А. Лукашенко «иттифоқчиси»га биринчи марта бундай «илтифот» кўрсатаётгани йўқ. Шу йилнинг ёзида Швейцарияда бўлиб ўтган халқаро анжуманларнинг бирида Белорусни Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кириш ҳақидаги масала рад қилинганидан (бунга Президентнинг хорижлик элчилар уй-жойларини ўз қароргоҳи деб эълон қилиниши сабаб бўлган эди) сўнг А. Лукашенко: «Бу ташкилотга аъзо бўлиш учун баъзи бировлардек парламентни танклардан ўққа тутиш керакка ўхшайди» деб зарда билан Россия шаънига киноя қилган эди. Ўшанда матбуот Лукашенконинг бу гапини «энг яқин дўстининг орқасидан хоинларча пичоқ санчиш билан баробар» деб баҳолашганди.

Умуман «бешлик» иттифоқини бу қадар нураб, парокандада бўлиб бориши олдиндан бир қадар маълум эди. Мазкур «иттифоқ» раҳбарларининг ўтган сафарги учрашувидан ОРТ мухбирлари тайёрлаган репортаждаги бир эпизод кўпчиликнинг ёдида бўлса керак: Б. Ельцин, А. Лукашенко, А. Акаев Кремлнинг муҳташам залларидан бирида Н. Назарбоевни кутишаяпти. Улар дам-бадам соатларига қараб қўйишмоқда. Айниқса, А. Лукашенко асабийлашиб кутиш шарт эмаслигини уқтира бошлайди. (Россия матбуотининг ёзишича турли «иттифоқ»лар тузиш бўйича Н. Назарбоев А. Лукашенконинг «нони»-ни яримта қилаётган эди). Борис Николаевич ҳамкасбларига яна бир минут кутиш лозимлигини уқтиради, яна бир оз кутишгандан сўнг Белорусь раҳбари «етар энди», дейиши билан учрашувнинг тўртинчи вакили пайдо бўлади. Ўшанда «Абадий иттифоқ» тузиш ғояси билан ёнаётган А. Лукашенко худди шу масаладаги ҳамкорини бир минут кутишга ҳам сабри етмаганлигини ҳисобга олсак, бу «иттифоқ»нинг умрини йиллар эмас, арзимас сониялар ҳал қилади чоғи, деган фикрни билдирган эдик. Ҳар бири ўз муаммолари ёгига «қоврилаётган» иттифоқчилар — эндиликда мураккаб вазиятдан фойдаланиб, қўшниси тахтига кўз олайтираётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Жалолиддин САФОЕВ



«Катта саккизлик» вакиллари учрашуви

Яқинда Англия пойтахти Лондонда ривожланган мамлакатлар юқори мансабли шахсларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу учрашув Россиядаги иқтисодий ва сиёсий муаммоларни муҳокама қилишга бағишланди. Бундай учрашув ўтказиш ташаббуси Буюк Британия Бош вазири Тони Блэрга тегишли. Бир кунлик учрашув давомида Вашингтонда учинчи октябрь куни бўлиб ўтадиган навбатдаги йиғилишда кўриладиган масалалар ҳам назардан четда қолдирилмади.

Фақат бир қўлга мўлжаллаб

Белорусь пойтахти Минскдаги давлат дўконларида озиқ-овқат маҳсулотлари фақат бир қўлга мўлжаллаб сотилмоқда. Эндиликда Минскда яшайдиган киши 2 килограммдан ошмаган миқдорда гўшт ва колбаса маҳсулотлари, 2 килограмм нон, 2 литр сут ва 400 грамм сариёғ сотиб олиши мумкин. Макарон, ун, консерва, шакар ва сигаретга ҳам чеклашлар жорий этилган. Белоруснинг бошқа аҳоли пунктларида ҳам тахминан худди шундай меъёрлар белгиланган.

Кўз тегибди...

«Ёмон кўздан асрасин» деган гап бор халқимизда. Аҳволи оғирлашиб қолган кишини суқланипти, кўз тегипти, дейишади. Бу гапларга бир томондан ишонсанг, бир томондан ишонгинг келмайди, киши. Тарихий ҳужжатлар эса ёмон кўз нафақат кишини оғир аҳволга солиши, балки ўлдириши мумкинлиги ҳақида гувоҳлик беради...

Бир нигоҳ билан инсонни ўлдириш мумкинлиги тўғрисида қадимдаёқ билишган.

1953 йили европалик машҳур олим Корнелус Агриппа «Оккульт фани» асарида шундай деб ёзиб қолдирган: «Тартария, Иллирия ва Тариболлда шундай аёллар борки, улар нафрат кўзи билан қараган кишилар, албатта ўлим топади. Родослик аёллар ҳам нигоҳи билан яхшиликни ёмонликка айлантиришади».

Ўтган асрнинг 80-йилларида Сицилиянинг Мессина шаҳрида яшаган бир киши кўзи билан кўп офатларга сабаб бўлган. У бирор кишига тўсатдан бир нигоҳ ташлаб қолса борми, шўрлик одам дарҳол тил тортмай жон берган. Иккинчи империя даврида ҳам Парижда шунга ўхшаш воқеа содир бўлган. Итальян империя операси хонандаси машҳур эди, унинг машҳурлиги жоду кўзларида эди. Бир куни у Галевиннинг «Қарғиш» операсидан ария куйлаётиб, кўзларини юқорига қадади. Юқорида декорацияни алмаштириб турган машинист шу заҳоти саҳнага йиқилиб тушиб, тил тортмай жон берган. Яна бир сафар қўшиқ куйлаётиб унинг кўзлари бир дақиқа капельмейстерга қадалди. Шўрлик одам шу заҳоти ўзини ёмон ҳис эта бошлади. Уч кундан сўнг эса жон таслим қилди. Шундан сўнг Массолга бўш ложага қараб куйлашни маслаҳат беришди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу ложани марселлик савдогар эгаллаган экан. Бахтиқора савдогар эртаси куниёқ, ҳаёт билан видолашди. Шундан сўнг Массоль саҳнани тарк этишга мажбур бўлди.

Инсон нигоҳи жониворларга ҳам таъсир этиши ҳақида фактлар мавжуд. Ҳинд йоглари ва Тибет сеҳргарлари узоқ давом этган машқлардан сўнг ҳайвонларни нигоҳлари билан ўлдириш қудратига эга бўладилар. Ҳайвон ўргатувчиларнинг айтишича, ҳайвонни бир нигоҳ ташлаш билан тўхтатиб қўйиш мумкин.

Ростдан бир нигоҳ билан ўлдириш мумкин экан-да? «Ёмон кўз билан бошқа танага таъсир этиш мумкин», — деб ёзганди медицина отаси Ибн Сино. Файласуф Фома Аквинский эса қаттиқ руҳий зўриқиш туфайли кўздан учқун чиқиб, атрофни зарарлаши тўғрисида ёзганди. Ўтказилган тажриба шуни кўрсатадики, ахборот, тўлқин инсон танасининг баъзи қисмлари, шунингдек, кўз ҳам юқори частотали нур чиқариб, атрофдаги нарсаларга таъсир этади.

Сеҳргарни сеҳрлаган «сирли маъбуда»

Юлдузларнинг муҳаббат можароси мухлисларга қизиқ туюлади. Сеҳр оламининг ҳокими (ҳозирда Дэвидни шундай деб аташади) Дэвид Копперфильд. Америкада туриб сеҳргар Дэвид Эфиль минорасини «кўчириб» кетади. Ўзини синашга саҳнага чиққан одамни (ё алҳазар) қоқ иккига «бўлиб ташлайди», фурсат ўтказиб, жодуланганларнинг кўз ўнгида яна «улаб» қўяди...

Дэвид беназир бу қобилияти билан бутун оламга довруғ таратди. Оламшумул илмюзион-кўзбойлағич чиқишларининг-ку шов-шуви етти иқлимга ёйилган. У ишқибозларининг қанчалик кўзини «боғлаб» сеҳрламасин, томошабинларга камдек. Яна, яна... бир-биридан қалтис чиқишларни сўрашади.

Инсон боласи не-не жумбоқларни, мушкулотларни ечмасин, аслида унинг ўзи сирли жумбоқ. Дэвид қанчалик ақлбовар қилмайдиган ҳодисаларни кўрсатмасин, мухлисларини лол қолдирмасин, барибир ўзининг ишқ можаросини яширолмайди.

Афсонавий Дэвиднинг оддийгина инсоний муносабати ҳам томошабинлар учун «сеҳрлидай». Миш-мишлар... Айниқса, малла соч Клаудия Шиффер иккисининг «мангу муҳаббат»ларини гапира-гапира чарчашмайди. Уларни ўз вақтида «умрбоқий қайлиқлар» ҳам деб аташарди.

Афсус, бу дунёда ҳеч нарса мангу эмас. Бу икки севишганларнинг «мангу» муҳаббатларигаям кимдир биринчи бўлиб чек қўйиши керак эди. «Кейинги пайтда Клаудия фақат ўзи учун яшайди, бойлик орттириш пайида, оддий аёлга хос ҳис-туйғулар ёт унга. Бу нарсалар ўлгудек жонимга тегди» дейди сеҳргар собиқ «мангу куёв». Энди у «қайлиғи» билан ишқ можароларига хотима ясаганини очиқ-ойдин айтади.

Кўркам, фусункор йигит Дэвид наҳотки аёллардан шунчалик безган бўлса?! Йўқ. Аксинча, даниялик, ўта ҳиссиётли, 17 ёшли «реклама модели» Вайб Соренсен Дэвиднинг музлаган юрагини эритди. Йўл топди қалбига. Бир сўз билан айтганда, даниялик мурчамиён жонон Дэвиддай сеҳргарни ўзига асир қилди, сеҳрлаб қўйди. Ярим йилдирки улар муҳаббатнинг арши аълосида «учиб» юришибди.

Мухлислар-чи? Бу воқеани репортёрлар қандай изоҳлашяпти дерсиз. «Top MODEL» журнали аччиқ киноя билан Вайбни «янги Клаудия Шиффер» деб атаяпти. Балки бу Дэвиднинг ишқ бобидаги беқарорлигига шаъмадир. Нима бўлганда ҳам «мангу куёв», «мангу келин» ҳозирча ўзларини эр-хотин деб эълон қилишга шошилмаяпти.


Дэвид билан Соренсеннинг севгиси, ўзаро шахсий муносабатлари қай йўсинда давом этади, бу ўз йўлига.

Минг йиллик ҳақиқат, аёл ҳар қандай куч-қудратни ўз латофати билан маҳв этади. Дунёни сеҳрлаган Дэвидни ҳам Аёл сеҳрлаб қўйганлиги рост. Вайб! Уни ҳозир Дэвиднинг мухлислари «сирли маъбуда» деяпти.

Саида БОНУ



Тоғлараро



Теннисчининг топгани барака



Ғолиблик завқи билан моддий манфаатдорлик сурури уйғунлашса спортчи ўзида бахтиёрликни ҳис этади. Зеро йиллаб машқларга зўр берган йигит-қиз юборди. Тошкентга келган теннисчилар чаккилардан эмас. Ҳар қалай, халқаро рейтинг ҳисобида биринчи бўлиб

Энди мусобақаларнинг бориши ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, мезбонлар яъни юртдошларимизнинг бу

«ЎЗЭЛЕТРКАБЕЛСАВДО»

очиқ акционерлик жамияти

1998 йилнинг II чораги учун ўз акционерларига бир акцияга 100 сўм миқдорида дивиденд белгиланганлигини маълум этади.

Қатралар

Тоғ юксакдан ўсиб келиб, ерга туташган эмас. Ердан бошланган. Буюкларнинг онаси ердан.

❖

Керагида фойда бермас оқилдан керак сўзни англатолган гунг афзал.

❖

Осмондан ёмғир ўрнига сут ёғишини, бетамиздан тамизли сўз чиқишини кутиш бефойда.

❖

Ҳунарсиз одам қаҳратон совуқда яланғоч қолган кишини эслатади. Уни ҳар лаҳзада очлик, юпунлик қарши олиши мумкин.

❖

Ҳаёт гўзал, лекин бевафо аёлга ўхшайди. У ҳамманинг оғушида бир бўлади-ю, доғда қолдириб кетади.

Маъсуда ЁҚУБОВА

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Саида ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи Соҳибжон САЛИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Баҳтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 19.629 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
•
Г — 0313

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 17 sentyabr, payshanba № 112 (23.349).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

майдонда осонгина ғалаба қилади, дейиш ҳам шунчаки гап эмас. Чунки, халқаро талаблар, қолаверса, бозор иқтисодиёти спортчиларнинг профессионал, яъни касб эгаси бўлишларини тақазо этмоқда. Юртимизда ҳам юзлаб ёшлар спортнинг бирон-бир турини ўзларига касб қилиб, келажакда ўз иқтисодларини яхшилаб олишга чоғланишмоқда. Хусусан, бу борада теннис, футбол, бокс, кураш бўйича касбдошлар кўпайиб бормоқда.

Ростини айтганда юртимизда бошланган хайрли тадбир — «Президент кубоги» учун халқаро теннис мусобақаларининг ўтказилаётгани бу борада ўзига хос равшанлик бўлдики, чет элдан келган теннисчиларнинг даромадлари кўпчиликни қизиқтира бошлади. Мана, бошланган ишга ҳам беш йил бўлибди. Пойтахтнинг ажойиб кошоналаридан бири «Юнусобод» теннис ўйингоҳи шу кунларда гавжум. 16 мамлакатдан ташриф буюрган қарийб 40 нафар моҳир теннисчи жаҳон таснифидаги мавқеларини янада мустаҳкамлашга зўр бермоқда. Мусобақа мукофот жамғармасининг ярим миллион доллар қилиб белгиланиши ҳам Тошкент турнирига қизиқишни орттириб турганлар келишмаган бўлса-да, дастлабки ўнликдан жой олганлар меҳмонимиз бўлиб туришибди. Сирасини айтганда, теннисчиларнинг топганлари ҳалол ва баракали. Буни уларнинг кичик тўп билан олишув чоғларини кўрган киши ҳис этиши мумкин. Мухлислар назарига тушган, рейтинг ҳисобида ўн биринчи бўлиб турган англиялик Тим Хенманнинг топган-тутганлари бир миллион 828 минг 358 долларни ташкил этса, россиялик Евгений Кафельников ҳисобида тўққиз миллион 604 минг 741 доллар борлиги маълум. Евгенийнинг Тошкентга ўз самолётида келиши ҳам бежиз эмас. Швейцариялик Парк Россет эса жами тўрт миллион 681 минг 550 доллар жамғарган.

Умуман, Тошкент турнирида майдонга тушганлар қуруқ қолишмайди. Жумладан, асосий баҳсга кучлиларни саралашда иштирок этганлар 315 ва 540 доллардан олишлари мумкин. Асосий турнирнинг 1/32 баҳсида қатнашганлар учун 4 минг 770 доллардан ажратилган. Мусобақа эса, ютқазган ўйиндан чиқади, усулида давом этмоқда. Бир марта ғалаба қилган теннисчининг моддий манфаатдорлиги 8 минг долларга етиши мумкин. Тошкент мусобақасининг ғолибига 66 минг 400 доллар берилади. Финалчи 39 минг 300 долларга эга бўлади.

сафар омадлари юришмади. Мухлислар ишонган Олег Огородов ҳам дастлабки учрашувини исроиллик Леви Харелга бой бериб қўйди. Боиси, Огородов қарийб тўрт ой мобайнида баъзи сабаблар билан машқларда қатнашмаганди. Унинг жамоадошлари Дмитрий Томашевич, Темур Ғаниев, Вадим Куценколар ҳам иккинчи давра ўйинларига ўтишолмади. Энг қизиқарли учрашувлардан бири россиялик Евгений Кафельников билан олмониялик Мартин Зиннер ўртасида давом этди. Бу ўйинда Евгенийнинг тажриба-ю маҳорати устун келиб 6:4, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Бултурги мусобақа ғолиби англиялик Тим Хенмен ҳам зафар қучди. У Исроил теннисчиси Нир Велгринни 6:1, 6:4 ҳисобида доғда қолдирди. Шунингдек, голланд Сьенг Шалькен, россиялик Марат Сафин, голланд Роджер Вассен, Италиядан Лауренце Тилеман, франциялик Седрик Пьолин, Россиядан Владимир Волчков, аргентиналик Этлис Гастонлар дастлабки ғалабага эришиб 1/16 финалга чиқдилар. Кураш эса тобора қизғин ва муросасиз тус олмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ







Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ ва Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар

Бир ношуд ваъзхонга

Ҳар битта гапингда Темур, Улуғбек,
Навоий, Бобурни келтириб мисол.
Беруний, Форобий, ибн Синодек —
Буюк аждодлардан дейсан, ибрат ол —

Ва дейсан, шу буюк сиймоларнинг биз,
Бахтли авлодимиз. Шунинг ўзи бас.
Безовта қилмасдан улар руҳини,
Бу улуғ зотларни тинч қўй, бир нафас.

Сенинг мақтовингга зор эмас улар,
Ҳар бири олдида жаҳон эгур бош.

Бири шеъриятда, бири илмда,
Оламни ёритган, порлаган қуёш.

Сен ўзингдан гапир, ўзинг-чи, ўзинг,
Нима қила олдинг, ҳаётга келиб,
Чанг-тўзон кўтарган дайди шамолдек,
Умринг ўтмадими, бехуда елиб.

Элу юрт юкини елкангга тутиб,
Лоақал бир қадам олға жилдингми?
Чорасиз қолганда дўст-қадрдонинг,
Аҳволини сўраб, бир бор келдингми?

Ё кўприк солдингми, қурдингми шаҳар?
Боғ-роғ яратдингми, кўзни олгулик?
Бирор иш қилдингми, хўш, қани айт-чи,
Авлодлар ёдида номинг қолгулик?

Йўқса, бехудага бу буюкларни,
Пеш қилиб ҳар жойда олма тилингга.
Уларнинг руҳини шод этмоқ бўлсанг,
Муносиб фарзанд бўл, халқу элингга.

Ўз айтар сўзларинг бўлмаса агар,
Бариси бефойда, бариси абас.
Мудом даҳоларнинг кўланкасида,
Мақтаниб яшамоқ инсофдан эмас.

Абдураҳмон ҚОДИРОВ



«Бухорогазсаноатқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг № 4 Vakillik бош прораби томонидан Соҳиб Латиповга 11 май 1998 йилда 402-рақамли ишонч қоғози йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Умархон Таъминоти» МЧЖга тегишли думалоқ ва бурчак муҳри ҳамда чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 276-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Арофат Асатуллаевна Кудратуллаева номига берилган O'R-D № 005866 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«ЎЗКИМЁПОЛИМЕРСАВДО» фирмаси очиқ акциядорлик жамияти

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказади.

Йиғилиш 1998 йил 9 октябрда соат 15.00га белгиланган. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 1998 йил 10 сентябрда тузилган.

Кун тартибига киритилган масалалар:

1. Жамиятнинг 1998 йил биринчи ярми молиявий-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисида ҳисобот. Жамиятнинг 1998 йил 9 ойлик бизнес-плани бажарилиши ва иш натижалари башорати.
2. Жамият аудиторини тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22.08даги №361-сонли «Акциядорлик жамиятларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан жамият норматив ҳужжатларини тасдиқлаш.
4. Жамият кузатув кенгаши, бош директори ва тафтиш ҳайъатининг ваколатини тўхтатиш тўғрисида.
5. Жамият кузатув кенгаши, бош директори ва тафтиш ҳайъати сайловлари.
6. Турли хил масалалар.

Акционерлар йиғилиш бошланишидан 2 соат олдин рўйхатдан ўтадилар.

Кун тартиби ахборотлари (материаллари), овоз бериш бюллетенлари акционерларни рўйхатга олиш чоғида берилади.

Йиғилиш манзили:
Тошкент ш, Сирғали — 4-даҳаси (Мўлжал Химбаза),
Телефонлар: 58-03-27, 41-17-54.

«ЮНИВЕРС»

қўшма корхонасининг Низом жамғармаси 150.000 АҚШ долларигача камайганлигини маълум қилади.

«Умархон Таъминоти» МЧЖ га тегишли ҳужжатларни топган кишидан уларни қайтаришларини сўраймиз.
КАТТА СУЮНЧИСИ БОР.
Мурожаат учун телефонлар:
47-30-17, 35-87-43.